

Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолият қўламининг кенгайиши ва ҳажмининг ортиши билан бир қаторда унинг таркибидида чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди.

Оролбўйида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилашга, рақобатга бардошли маҳсулот тайёрлашга йўналтирилган янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларининг жорий этилаётганлиги иш сифати ва суръатини оширишни таъминламоқда. Хусусан, «Қорақалпоқпахтасаноат» бирлашмаси тизимидаги корхоналар ривожланиш йўлидан бориб, асосий эътиборни ҳомаиё микдори ва сифатини оширишга қаратди.

Жаҳон бозоридида пахта толаси харидорлигини ошириш мақсадида корхоналарда мукаммаллаштирилган замонавий технология асосида реконструкция ва қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Тўртқўл, Халқобод, Хўжайли, Манғит, Кўнғирот, Беруний ва Чимбой пахта тозалаш очик ҳиссадорлик жамиятларида кенг қўламдаги курилиш-ускуналаш юмушлари олиб борилди.

Тўртқўлдаги очик ҳиссадорлик жамиятида пахта ни қуриштириш цехи бош биноти яқинлаштирилиб, 2 та қуриштириш барабини ўрнатилди. Пахта ни тозалаш линияси қурилди. Жиллаш цехида бир неча ускуна ва механизмлар алмаштирилди.

«Асосий мақсад ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларга қўлай шaroит яратиб беришдан иборат, - дейди биз билан суҳбатда «Қорақалпоқпахтасаноат» бирлашмаси раиси Баҳром Қўнақбоев. - Корхоналаримизда бош биноти қайта таъмирланиб, қўшимча иморатлар қурилди. Иш жойлари сананоат гигиенаси талабларига тўлиқ мослаштирилди. Ходимлар учун дам олиш, овқатланиш, ювиниш, хотин-қизлар гигиена хоналари ишга туширилди.

Амалга оширилган қайта таъмирлаш ишлари меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлади. Пахта тозалаш корхоналарида бўлсангиз, биноларнинг архитектура жиҳатидан безатилиши эътиборингизни тортади. Бош бинолар дарвозаси, эшиклар ва дарвоза ромлари эллипс шаклида қурилган. Тоиланган пахта чиқадиган эстакадалар сифатли таъмирланган.

Электр, газ ва сув микдорини ўлчайдиган ускуналар ўрнатилган. Меҳаник устaxonалар, электр цехлари, техника хавфсизлиги хоналари, лабораториялар намунали қилиб жиҳозланган. Бирлашма ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ак

Иzzат ХИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

«НАВОИЙ-FSK»НИНГ БЕЖИРИМ МЕБЕЛЛАРИ

Навоий вилоят марказида яна бир йирик корхона иш бошлади. Янги «Навоий-FSK» масъулияти чекланган жамиятда хорижликдан қолшимайдиган 85 турдаги мебел ишлаб чиқаришмоқда.

Маҳсулотларимиз ўз харидорини топиб улгурди, - дейди корхона раҳбари Фахриддин Раҳмонов. - Ўқув, ошхона, меҳмонхона ва офис мебеллари, эшик ва дераза ромлари, стол-стул ва бошқа жиҳозларга талаб юқори бўлгани учун ишни кичи сменада ташкил этдик. Ҳозирга қадар Навоий шаҳри, Нурота, Хатирчи, Қозилтепа туманларидаги касбхона коллежлари ва мактабларни мебел билан таъминлади.

Қирқ киши меҳнат қилаётган корхона маҳсулотларида қўшни вилоятлардан ҳам буюртмалар тушибомқда.

Иzzат ХИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Қонун барчага баробар

Ва ғайриқонуний фаолияти оқибатида маъмурий жавобгарликка тортилганидан тўғри хулоса чиқарган экан. У ҳам Хитойда ишлаб чиқарилган 40 жуфт болалар костюм-шими

тан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига асосан жиноий иш қўзғатилиб, жавобгарликка тортилди. Хулоса шунки, давлатимиз қонунлари ва ҳукуматимиз қарорлари мамлакат ҳамда халқ манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, тадбиркорларнинг қонун доирасидаги фаолиятини, ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган. Юқорида номлари келтирилган шахслар эса фирром йўл тўғрисида, ўз бошларига гурбат орттиришди. Қонун талабини бажаришдан бўйин товлаб, моддий зарар қўришди. А. БОЙМАТОВ, Самарқанд вилоят прокуратураси умуий назорат бўлими катта прокурори, адлия кичик масlahатчиси

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 27 феврал, жума № 32 (1665)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР ЯРМАРКАСИ

Анджонда бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Меҳнат бозори ҳар йили мактаблар, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юрталари битирувчилари ҳисобидан тўлиб бормоқда. Уларнинг ҳаммасини иш билан таъминлаш зарур. 152 киши ўз ўрнини топди. Ярмаркада 51 хўжалик юритувчи субъект иштирок этди. Улар томонидан 170 та иш ўрни таклиф этилди. Енгил сананоат, машинасозлик корхоналари, лойиҳа муассасаларида, шунингдек, халқ таълими тизимида тарих, чет тиллари ўқитувчилари учун бўш ўринлар бор экан. Ярмаркага иш сўраб мурожаат қилган 192 кишидан 152 нафари иш билан таъминланди.

«Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясининг Халқ истеъмолчи моллари Тошкент минтақавий марказида республикамиз енгил сананоат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган баҳорги-ёзги мавсумий товарлар улгуржи-чакана савдо ярмаркаси давом этмоқда. Бу ерда савдога қўйилган болалар спорт кийимлари анча сифатли ва арзонлиги билан кишини қувонтиради, - дейди Зағиота туманидан келган харидор Зулфия Усмонова. - Тазквондо билан шуғулланадиган ўғлим учун спорт формасини атиги етти ярим минг сўмга харид қилдим. Кичкина ўғлимга пахтадан тайёрланган майка-шўртки комплектини 1900 сўмга олдим, материалари жуда сифатли, бичими ҳам зўр. Бозорда сотилаётган Хитой-

нинг шундай буюмидан икки баравар арзон, сифати эса ўн чандон яхши. Савдога қўйилган болалар спорт кийимлари, эркаклар, аёллар ва болалар кийим-кечаклари, келин-куёвлар либослари, пойабзал ва спорт моллари ҳамда уй-рўзгор жиҳозлари сифати, бежиримлиги ва нисбатан арзонлиги билан харидорларни жалб этмоқда. Ярмаркада «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси тасаруфидида 27 корхона, «Ўзбек-

чармпойабзали» уюшмасининг 4 корхонаси, шунингдек, хусусий тадбиркорлар ўзларининг 700 турдаги маҳсулоти билан иштирок этаётир. - Маъмур савдо-ярмаркасини ўтказишдан мақсад аҳолини ўзимизда ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмолчи товарлари билан янада кенгроқ таништиришдан иборат, - деди Халқ истеъмолчи моллари Тошкент минтақавий маркази директори ўринбосари Шерзод Шомуротов ўза мухбирига. - Бу ерда савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар ва маҳсулотини намойиш этаётган корхоналар ўртасида қўлаб шартномалар имзоланмоқда. (ЎЗА)

Жамоа шартномаси — ижтимоий муҳофаза кафолати. Шу боис иш берувчи асосий мажбуриятлар билан бир қаторда қўшимча имтиёз ва кафолатларни ҳам зиммасига олади. Хўш, меҳнатқашлар бу имкониятлардан қандай фойдаланаётир. Корхона ва ташкилот мутасаддилари ўз сўзлари устида чиқа олаётганими?

«Пахтаобод» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида ходимларга тунги, кечки сменалардаги иш учун оширилган ҳақ тўлаш, мукофотлаш, қўшимча таътиллари бериш, моддий ёрдам кўрсатиш, иш вақтини қисқартириш, тушлик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун маблаг ажратиш каби қўшимча имтиёзлар кўзда тутилган. Ўтган давр мобайнида бу мажбуриятларни бажариш, ижтимоий муҳофазалашни кучайтиришга ҳаракат қилинди. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришда, қайта ишлашда таннархни камайтириш, рентабелликни юксалтирди. Йил 312 миллион фойда, 6 миллион 743 минг сўм соф фойда билан якунланди. Даромадининг 70 фоизи ишчиларга дивидент сифатида тарқатилди.

ТУНГИ СМЕНА учун оширилган ҳақ

қайта қуришга ишлаб топилган даромаддан 16 миллион сўм сарфланди. Меҳнатқашларнинг юзга яқин фарзандлари корхона ҳисобидан бепул дам олдирилди. Бу ерда ишлаб нафақага чиққан фахрийларга 120 минг сўм, боқувчисини йўқотганларга 250 минг сўм миқдоридида моддий кўмак кўрсатилди.

Жамоа шартномасида корхона даромадига қараб ойлик маошини ошириб бериш ҳам кўзда тутилган. Айни чоғда ходимларнинг ўртача ойлик маоши 25 минг сўмга етди. Иш шaroитини яхшилаш, хавфсиз меҳнат шaroитини таъминлаш мақсадида ҳар бир ходимга 134 минг сўмлик маблаг сарфланди.

Ижтимоий муҳофазани кучайтириш, ходимлар манфаатини ҳимоялашда касабга уюшманинг ўзига хос ўрни бор. Меҳнатқашлар сўров ва аризалари асосида уюшма мадади билан 57 нафар ходим имтиёзли

Ижтимоий ҳимоя

пахта ёғи, совун билан таъминланди. Маърака-маросимлар ўтказган ходимларга 300 минг сўмлик моддий кўмак ажратилди. Бемор, дардда чалинган ишчиларга 70 минг

далик эҳтиёж маҳсулотлари топширилди. Корхонада фарзанд тарбияси билан машғул оналарга иш вақти маоши сақланган ҳолда 2 соатга қисқартирилди. Узоқ йиллар ишлаган ходимлар маоши эса энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдоридида оширилиши кўзда тутилди. Зарарли иш шaroитида ишлаётган ходимлар эндиликда ойлик маошининг 75 фоизи миқдоридида қўшимча ҳақ олишади. Оталиқдаги 17-мактабнинг энг намунали ўқувчиларидан 3 нафари ҳар ойда стипендия билан таъминланди. Ходимлар саломатлигини мустаҳкамлашни яхшилаш мақсадида спорт майдончалари барпо этилиб, жиҳозлар харид қилинишига ҳам келишиб олинди.

Таъкидлаш жоизки, ойлик маошдаги узилтишлар корхонани ҳам четлаб ўтмаган. Янги имзоланган жамоа шартномасида маошдаги узилтишлар учун корхона мутасаддилари кечиккан ҳар бир кунга ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдоридида жарима тўлаб беришни ўз зиммасига олди.

Амир УРИНБОВ, Ш.Рашидов тумани «Пахтаобод» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти касабга уюшма кўмитаси раиси

2004 йил - Меҳр ва мурувват йили

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАБ

Мамлакатимизда ахиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бунда 2004 йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши муҳим омил бўлмоқда. Республика «Оила» илмий-амалий марказида давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтган илмий-амалий семинарда шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбирда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, соғлом фарзанд дунёга келишига замин ҳозирлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга кўмаклашиш, ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун қўлай шарт-шaroит яратиш борасида амалга оширилган амалий ишлар белгилан олинди.

УСТОЗ-ШОГИР АНЪАНАСИ Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўرғазмалар залида Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти билан ҳамкорликда Устоз-шогирд анъаналарига бағишланган кўрғазма очилди. Меҳр ва мурувват йилига

Барча давлатларда бўлганидек, бизда ҳам четдан турли хил товарлар келтирилишига эҳтиёж мавжуд. Лекин бундай фаолият қонун доирасида амалга оширилса, мамлакат иқтисодиётига ҳам, халқ турмуши фаровонлигига ҳам фойда келтиради. Шу билан бирга четдан маҳсулот келтирувчиларнинг сифатига, давлат божлари ўз вақтида, белгиланган тартибда тўланишига жиҳдий эътибор беришлари керак. Тадбиркорлар ҳам, фуқаролар ҳам бунни теран англашлари зарур.

Мамлакатимизда тадбиркорликка катта эркинликлар берилган. Чунки қонун билан белгиланган қўйилган тўловлар давлат бюджетини тўлдирди. Афсуски, баъзи фуқаролар бунни тўғри тушунмай, қонун талабини четлаб ўтишга уринишади. Фирром йўл тутишгани оқибатида панд еб қолишади, моддий зарар қўришади. Вилоят прокуратураси ички ишлар, божхона ва давлат солиқ бошқармалари билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар

ноқонуний равишда товар олиб кирилишининг олди олинди. Аксарият ҳолларда маъмурий таъсир чоралари қўлланилди. Қонун жиҳдий бузилган 176 ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди. Шу даврда сохта тадбиркорлар томонидан республика ҳудудига

ноқонуний олиб кирилаётган ва сотилаётган катта миқдордаги маҳсулот давлат тасаруфига ўтказилди. Масалан, Урганч туманида яшовчи К.Элмуродов ҳамтовоклари билан биргаликда мўмай даромад қўриш илмида Хитойда ишлаб чиқарилган 44 турдаги 53 миллион 223 минг сўмлик товарларни Қозғистон орқали республикамизга ноқонуний олиб кириётганини қўлга тушди. Тожикистонлик Х.Усмонов

ФИРРОМ ЙЎЛ — ГУРБАТ

томонидан Ўзбекистон республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисидаги қарорининг ижросини таъминлаш, четдан товар келтиришда қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида изчил иш олиб бормоқда. Ҳамкорликдаги самарали фаолият тўғрисида фуқаролар томонидан йўл қўйилган 3936 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, республика ҳудудига

Бир Фармон шарофати

ИШНИ ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРДАН БОШЛАДИК

Андижон вилояти юртимиз умумий майдонининг бир фоизини эгаллагани ҳолда, бу ерда республика аҳолисининг қарийб 9 фоизи, яъни 2 миллион 200 минг киши истиқомат қилади. Барчага аёники, бу ҳолат ўз навбатида кўпдан-кўп ижтимоий масалаларни ечишни тақозо этади.

Ўзбекистон Президенти Фармони, Мустақиллик шарофати туфайли вилоятда кенг қўлмали ишлар амалга оширилди. Барча шаҳар ва туманларнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Шу ўринда аҳоли турмуш шароитини яхшилашнинг асосий белгиси бўлган тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масаласини олайлик. Агар 1991 йилда вилоятда ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 71 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич бугунги кунда 90 фоиздан ошиб кетди. Табиий газ бўйича эса 26 фоиздан қарийб 70 фоизга ўсиш кузатилди. Бу соҳада жиддий натижага эришилгандан далолатдир.

Ушбу саҳифада Кўргонтепа туманидаги кенг бунёдкорлик ишлари, меҳнаткашларнинг яшаш шароити, орзу-интилишлари ҳақида атроф-лича ҳикоя қилинади.

дончилик кенгашининг роли катта бўлди. Кенгаш халқ таълими, соғлиқни сақлаш, коммунал, маданий-маиший объектларни лойиҳалаштириш ва қуриш, капитал маблагларни ўзлаштириш, муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш юмушларини ўз назоратида олди.

Натижада ижтимоий соҳада ўзгаришлар яққол кўзга ташланди. Газ ва ичимлик суви тармоқларини қуриш ва ишга тушириш жадаллашди. Жумладан, «Бирлашган», «Ис-

па қишлоғига 5 километрик ичимлик сув қувури ўтказилди. Худуддаги болалар боғчаси, мактаб, маҳаллаларга тоза оби ҳаёт кириб келди. Тумандан узоқда жойлашган аҳоли масканларида газ, сув таъминотини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўчалар-зорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда халқ хашари, ҳомийлар кўмаги кўл келяпти. Деҳқонobod қишлоғида гувалдан қилинган паст-баланд бинолардан иборат ташландиқ, кўримсиз

аҳоли пункти бўларди. Ободонлаштириш дастурига кўра, ушбу маконни қайта қуришга киришдик. Лойиҳалаш, қурилишни молиялаш, ишчи кучи билан таъминлаш ишларини Навоий номи ширкат ҳўжалиги ўз гардонига олди. Хашар йўли билан тиклаш ишлари бошланди. Мана бугун замонавий меъморчилик услубида қурилган 60 ўринли маданий-маиший мажмуа қурилоди, фойдаланишга топширилди. У иссиқлик манбаи ва ичимлик сув

тармоғига уланган. Бу ерда шифокор кўригидан ўтиш, янги чойхонада дам олиш, гузарда савдо-сотик қилиш мумкин. Айни кунларда янги мавзеда Наврўз байрамига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Кўчат экиш, кўча ва майдонларни тозалаш, гулзорлар барпо этиш тадбирлари авж олдирилган.

Турмуш маданиятини юксалтириш, ободончилик, одамларнинг ҳаёт даражаси, фаровонлигини оширишни қишлоқларни газлаштириш-сиз, тоза ичимлик суви сиз тасаввур қилиб бўлмайди. «Зангори олов» уй бекаларимизнинг беминнат дастури бўлса, сув билан турар жойларимиз ораста, саришадир. Бугунги кунда худудимизда 156 минг 916 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Улар 41361 та оилага уюшган. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини ўзгартириш, аҳолининг меҳнат ва турмуш, маиший шароитини яхшилаш доимий диққат марказимизда. «Вилоятимизни гуллар диверга айлантирайлик», «Ободлик оstonада» бошланади, «Пири бадавлат хонадонлар», «Оқар сув-умр фойдаси» кўрик-танловлари, маҳаллалар муСОбақалар, шанбаликлар, санитария, тозалик ойлиги ўтказиш, гуллар байрамлари ташкил қилиш янги аънамага айланган бўлса, «Кўргонтепа» ширкат ҳўжалиги худудидда 600 ўринли мактаб қурилиши бошланган. «Ижтимоёт» қишлоғида болалар боғчаси биноси қайта таъмирланмоқда. Деҳқон бозори, чойхона, сартарошхона, пойабал таъмирлаш устонаси каби маиший шохобчалар қурилиб, ишга туширилди. Энг чекка маҳаллаларга газ ва ичимлик суви етиб келди. Умуман, 2005 йилгача босқичма-босқич газ, сув, электр таъминотидаги муаммолар ечимини топади.

Саноат, пуллик хизмат турларини ривожлантиришда туманимиз вилоятда олдинги ўринларда туради. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш шартнома мажбуриятлари ортиги билан удаланмоқда. Утган йили пахта ва галладан юқори хирмон кўтарилиб, шартнома режаси зиёдаси билан бажарилди. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. У жон бошига 2003 йилда 28,4 минг сўмга етди.

Қозонда бўлса, чўмигча чиқиди деганларидек, даромадлар ҳисобига туманда ободончилик, хусусан газлаштириш, аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилашда кўп ишлар қилинди.

Абдуғофур АБДУРАХИМОВ,
туман ҳўкимининг биринчи ўринбосари

ИЧИМЛИК СУВИ ВА ТАБИИЙ ГАЗ

аҳоли турмуш шароитини яхшилашнинг асосий белгиси

Аждодларимиз бебаҳо бойлик — сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, оқар сувини ифлослантормаслик, унинг ҳар томчисини қадрлаш лозимлигини бот-бот уқтириб келишган. Республика ҳўкумати-нинг аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилашга оид қарори халқимизга ҳеч кимдан кам бўлмаган турмуш тарзини яратиш тўғрисидаги меҳрибончилигининг амалдаги кўринишидир. Мазкур қарор матбуотда эълон қилиниши билан туман ҳўкимлигининг фармойиши қабул қилинди. Унда сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, тегишли иншоотларнинг бир маромда ишлашини таъминлаш, муҳим соҳанинг моддий-техника базасининг мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

ОБИ ҲАЁТДАН Фойдаланишни БИЛАМИЗМИ?

Вақт ўтиши билан шаҳаримиз аҳолисини, айниқса чекка худудларда истиқомат қилаётган хонадонларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизими шаклланди. Ҳозирги кунда 13200 нафар аҳоли истиқомат қилаётган 15 та шаҳар маҳалла фуқаролар йиғинига бу борода намунали хизмат кўрсатишмоқда. Ихтиёри-миздаги 80 километр узунликда бўлган қувурлар, мавжуд ер ости насослари, битта сув тақсимлаш минораси ёрдамида миқозларга янги хизмат кўрсатаёلمиз.

Мустақиллик шарофати билан коммунал ва маиший хизмат тизимида ҳам туб ўзгаришлар, янгиликлар содир бўлди. Янгитдан кичик туманлар, аҳоли пунктлари, маҳаллалар барпо бўлаётганлиги масъулиятимизни янада оширмоқда. Қисқа муддатда фойдаланилмай келинаётган ерларда «Янги ҳаёт» аҳоли массиви бунёд этилди. Ибн Сино номи маҳалла ҳам сўнгги йилларда тикланган масканлардандир. Ушбу манзилгоҳларда 3 мингдан ортиқ аҳоли умргузаронлик қилмоқда.

Мини туманларни шаҳарнинг бош меъморчилик лойиҳаси асосида муҳандислик коммуникациялари билан жиҳозлаш, газлаштириш, иссиқлик узатиш тармоғига улаш режа бўйича амалга ошириляпти. Ҳаётимиз янгица талаблар асосида ўзгариб бормоқда. Яқинда бешта кўп қаватли турар жой уй-жой мулкдорлари ширкатлари ихтиёрига берилди. Кўпдан кўён қониб қутилмас деганларидек, 700 метр узунликдаги қувурлар

тортилиб, хонадонлар ичимлик суви билан тўла баҳраманд этилди.

Табиийки, аҳолини газ ва ичимлик суви билан таъминлаш масаласида базий бир муаммолар ҳам мавжуд. Боиси, бунинг бир учи маблаг масаласига бориб тақалади. «Кўргонтепа» кичик даҳасига қарашли қатор хонадонлар кўндан бўён ичимлик суви келишини орзу қилишарди. Қурбон ҳайити арафасида улар ажойиб совға олдилар. Энди улар ҳам газ ва ичимлик сувидан истаганча фойдаланишлари мумкин.

Аҳолининг ичимлик суви-га бўлган эҳтиёжини қондириш, сув иншоотларидан оқилона фойдаланиш, қолаверса, мутасадди ходимларнинг касбий маҳорати, уздабуронлиги-га боғлиқдир. Шу ўринда Турғунбой Зокиров номи чилангарлар жамоасининг фаолияти ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Баҳромжон Абдуллаев, Улугбек Саидбеков каби кўлигул ишчилар иншоотларни тез ва соз таъмирлашда ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда.

Кези келганда шунини афсус билан таъкидлаш жоизки, баъзи корхоналар, ташкилотлар турли баҳоналарни рўқач қилиб тўловларни пайсалга солишмоқда. Жумладан, «Қишлоқҳўжаликимё» туман идораси, «Ирстрой» кўма механизациялашган жамоаси шулар жумласидандир.

Кобилжон ЮСУФОХУНОВ,
Кўргонтепа шаҳар «Сувоқава» ишлаб чиқариш корхонаси бошлигининг ўринбосари

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида уқтирганидек, қишлоқ ва шаҳарларимизни обод қилиш орқали одамларнинг турмуш шароити, энг асосийси, маънавий дунёси ўзгаради.

Шундан келиб чиқиб ишни марказдан узоқда жойлашган олис қишлоқлар аҳолисини табиий газ ва тоза ичимлик сувидан баҳраманд қилишга қаратилган дастурни амалга оширишдан бошланди. Бунда шаҳарсозлик мутахассислари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, «Сувоқава» идоралари ва килларидан тузилган обо-

тиқлоқ» ширкат ҳўжаликлари аъзолари хонадонларида «зангори олов» ёна бошлади, қувурлардан ичимлик сув келди. Энг чекка Султано-бод, Деҳқончек каби аҳоли мавзелаарида янги газ тақсимлаш иншоотлари, канализация тармоқлари фойдаланишга топширилди. Бу тадбирларга 200 миллион сўмга яқин маблаг сарфланди. Ҳар бири 60 ўринга эга 3 та қишлоқ врачлик пункти ширкат ҳўжаликлари, ҳомий ташкилотларнинг ёрдами билан тикланди.

Халқда бир киши ариқ очади, минг киши сув ичади, деган нақл бор. «Фофурота» кўп тармоқли фирма ҳиммати билан Шаҳрихонсойдан Қўште-



УЛАРГА ҚОЙИЛ ДЕЙСАН

Андижон вилоятида ўтган йилнинг ўзида ички имкониятлар ишга солиниб, 43 та мактаб биноси тубдан қайта таъмирланди. Бунга тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар сидқидилдан ҳисса қўшдилар. Шулар қаторида Олтинкўл туманидаги «Сув Юлдузи» фермер ҳўжалиги 320 ўринли, бўлоқбошилик тадбиркор Абдужалил Шарипов 260 ўринли, Анди-

жон туманидаги «Мустақиллик» фермер ҳўжалиги 240 ўринли янги ўқув бинолари қуриб бериб, барчанинг таҳсинига сазовор бўлишди.

Ана шу илм масканлари тўла газ билан таъминланган. Ичимлик сувидан ҳеч қандай муаммо йўқ. Бу кўпнинг меҳнати самарасидир.

Бобо МИРЗАЕВ,
меҳнат фаҳрийси

Истиқлолнинг илк кунлариданок мамлакатимизда қишлоқ турмуш маданиятини юксалтириш, жойларда ободончилик ишларини кенг қўлчи ёйдириш, коммунал, табиий, савдо хизматини йўлга қўйиш каби хайрли ишларга эътибор қўйиляпти. Чунки яқин ўтмишда қишлоқларимиз каровсиз, улардаги маиший хизмат тармоқлари аҳоли ачинарли ҳолга келиб қолганди.

Қўл узатса етгудек жойдан магистрал газ трассаси ўтган қишлоқ аҳолиси қора қумғонда ноё қайнатганини ким билмайди, дейсиз. Соч олдиригани ёки шифокорга кўригани марказга қатнаганликларини дардоқликлар янши эслайдилар.

Мустақилликдан сўнг эса аҳвол бутунлай ўзгарди. Муқир, Янгиобод, Дардоқтепа аҳоли пунктларида сув тақсимлаш иншоотлари ишга туширилиб, 15 километр узунликдаги сув қувурларидан оби ҳаёт оқа бошлади. Ободончилик ишлари кенг қўламда бошланди. Тўрт қаватли мустаҳкам касалхона, 2 қаватли ўрта умумтаълим мактаби, Чўқур участкасида 60 ўринли кўркам қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. Қишлоқ марказида қурилган газ тақсимлагич иншоотидан келаётган табиий газ оқими 55 фоиз аҳоли хонадонига «зангори олов» узатмоқда. 100 фоиз

аҳоли ичимлик сувидан баҳраманд.

Халқ турмуш даражасини яхшилашдаги ўзгаришлар


МАҲАЛЛА КАТТА КУЧ

«Дўстлик» ширкат ҳўжалигининг энг чекка қишлоқларида ҳам намоеён бўлмоқда. Бу ерда бир йил мобайнида 5,5 километр газ, 6 километр сув тармоқлари қурилди. Ҳозирги пайтда ҳўжалик худудидида истиқомат қилаётган 7000 нафар аҳолининг 80 фоизи газдан фойдаланяпти. Муқир қишлоғи кишиларининг янги мактаб ҳақидаги орзулари ушунли арафасида. Уни барпо этиш бўйича тайёргарлик бошланди. Умуман, 15 миллион сўмга яқин маблаг газлаштириш, ичимлик сув келтириш харажатларига сарфланди.

Меҳр ва муруват йилида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга қаратилган ишлар қизгин боряпти. Фуқаролардан Абдуманноб Тоғаев, Муқаддамжон Мамажоновларнинг турар жойлари касабакўми ташаббуси билан таъмирланиб, газлаштирилди. Ичимлик суви билан таъминланди. 4 нафар меҳнат фаҳрийси марказий сихатгоҳлар-

кенгаши ҳўжалигининг пул маблагларини, ишчи кучларини тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирмоқда. Бу янги иш ўринларини яратиш, савдо ва маиший, коммунал хизмат тармоқларини кўпайтириш, шу йўсида «Бандлик» дастурини ҳаётга таъбиқ қилиш имкониятларини бермоқда. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар, хусусий дўконлар, тегирмон ва мойҳувозлар, тикувчилик цехлари кўпаймоқда. Яқинда қишлоқ марказида 100 ўринли гузар қурилиши ҳам маҳаллий ишбилармонларнинг ҳўжумийлигида ниҳояланди. Унда 22 нафар хусусий дўкондор савдо-сотик билан шуғулланмоқда. Бу билан 20 нафар қишлоқ ёшлари ишга жойлашди. Маҳаллий хунармандлар томонидан тайёрланган қурилиш ашёлари, кийим-кечаклар, деҳқон ҳўжаликлари томоққаларида етиштирилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари пештахталари беэмоманд.

Авазбек РАЙМЖОНОВ,
«Дардоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси



Касаба уюшма ташкилоти ҳисобида турган 2000 нафарга яқин аъзоларимизнинг 50 фоизга яқинини хотин-қизлар ташкил қилади. Шартномада белгиланганидек, уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, иш шароитини яхшилашни доимий назоратга олганмиз.

Касабақўм йиғилишларининг бири-ди маданий-маиший ишлар бўйича доимий комиссия раиси Гулчеҳрагон Мирзаева айнан шу вазифани яхшилаш бораидаги таклиф-мулоҳазаларини ўртага ташлади. Унинг жонқуяралиги тушунарли эди. Аёллар яшаётган аҳоли пункти чекка худудлардан саналиб, у ерда газлаштириш, ичимлик суви келтириш муаммо бўлиб турарди.

АЁЛЛАР

ХУРСАНДЧИЛИГИНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

Чорвадор аёлларнинг аҳоли худудини газлаштириш ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳақидаги талабларидан ширкат ҳўжалиги бошқарув раиси Пуллатжон ака Исмоилов хабардор қилинди. Маъмурият билан касаба қўмитасининг қўшма йиғилиши қарори лойиҳаси тайёрланди. 50 та хонадонни газлаштириш, 700 метр масофага ичимлик суви келтиришга доир лойиҳалаш ишларига 4 миллион сўм, иссиқлик манбаига улашга 5 миллион 800 минг сўм маблаг ажратилди. Бундан барчанинг боши осмонга етди. Чунки зурриётлари тарбияланаётган 50 ўринли болалар боғчаси, 45-умумтаълим мактаби ҳам ушбу худудда жойлашган.

Касаба уюшмаимизнинг аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашдаги фаолияти фақат бугина эмас. Утган йиғим-терим мавсумида далада ишловчилар учун иш жойларида икки маҳалдан бепул иссиқ овқат тайёрланди. Бунга 29 миллион 539 минг сўмлик маблаг сарфланди. Қўкламги дала ишларига ҳозирлик кетаётган машина-трактор паркида бугун иш қизгин. Зарарли шароитларда ишлаётганлар маҳсус кийим-бош, ҳимоя воситалари билан таъминланган. Ошхона ишлаб турибди, бепул тушлик ташкил

ҲАММА НАРСАНИНГ ХИСОБ-КИТОБИ БОР

Идорамиз қошида «Зангори олов»дан фойдаланишни назорат қилувчи гуруҳ ташкил этилган. Омилкор, ташиқлотчи кишилар дебитор ва кредитор қарзларини имкон қадар қайтариш, томоққаларга, иссиқхоналарга, газ, иссиқхоналарга, газ, иссиқхоналарга барҳам бериш каби масалаларга эътиборни қўйиляпти. Қўзатувларнинг бирида «Истиқлол» ширкат ҳўжалиги қарашли дала шийони, чойхона газ тармоғига руҳсатсиз уланганлиги маълум бўлди. Тўпланган маълумотлар тегишли идораларга юборилган айбдорлар яхшигина жараима билан сийланди.

Енг учиди иш кўраётган, сув ва газдан ўринча фойдаланаётганлар орасида ўзини зўр тадбиркор, деб таърифлаб келган М.Йўлдашев ҳам бор экан. Маълум бўлишича, у меъёрий ҳужжатларсиз ва ҳеч қандай руҳсатсиз тандирга «зангори олов» улаб олган экан. Боз устига баъзи кимсалар фирромлик йўлига кириб, техника ҳўфсизлиги қондаларини кўп равишда бузмокдалар. Бу эса барчага қимматга тушмоқда. Ҳозирги кунда ўзaro талабчанлик муҳитини мустаҳкам қарор топтириб, табиий бойликдан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилмоқдасиз.

Ҳошимжон ИСОКОВ,
туман «Газтаъминот» идораси муҳандиси

Мастураҳон ИСМОИЛОВА, «Намуна» ширкат ҳўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси

Саҳифани тайёрловчи:
Собиржон Рўзиматов, «Ишонч» муҳбири



ДУШАНБА, 1

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.45 «Тахлилнома».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 17.00 Кўрсатувлар дастури 17.05 «Асрга тенгдош хотиралар».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДа сериал: «Луиза Фернанда».

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 8.00 «Бардам бўлинг». 9.00 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 08.00-8.35 «Ахборот».

Телесериал. 14.10 «Муносабат». 14.40 Кундузги сеанс: «Угай она».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 06.55 Кўрсатувлар дастури 07.00 «Мунаввар тонг».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДа сериал: «Луиза Фернанда».

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 8.00 «Бардам бўлинг». 9.00 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 08.00-8.35 «Ахборот».

20.00 «Оқшом эртаклари». 20.15 «Ўзма-юз».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДа сериал: «Луиза Фернанда».

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 8.00 «Бардам бўлинг». 9.00 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 08.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 08.00-8.35 «Ахборот».

09.00 Давр 09.15 ТВ-анонс 09.20 «Янги авлод» студияси: Ок кабутар.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДа сериал: «Луиза Фернанда».

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 8.00 «Бардам бўлинг». 9.00 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 08.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 08.00-8.35 «Ахборот».

13.15 Биз билган ва билмаган дунё 13.35 Бегойим 13.55 «Сув ости тадқиқотлари».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДа сериал: «Луиза Фернанда».

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 8.00 «Бардам бўлинг». 9.00 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 08.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 08.00-8.35 «Ахборот».

янгликлари» (инглиз тилида). 20.30 «Ахборот».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДа сериал: «Луиза Фернанда».

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 8.00 «Бардам бўлинг». 9.00 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 08.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 08.00-8.35 «Ахборот».

киламан». 11.00 «Она меҳри». 11.20 «Бу турфа олам».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДа сериал: «Луиза Фернанда».

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 8.00 «Бардам бўлинг». 9.00 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 08.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 08.00-8.35 «Ахборот».

КТО ОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ. 2004 йил 1, 8, 15, 22, 29 апрел кунлари соат 11.00 да республика Биржа маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунида ҳарбий хизмат тизимини такомиллаштириш. Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш, ҳарбий хизматини таъкид этиш ва ўташнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Уша кун чегара қўшинларига қарашли қисмга жамоат ташкилотлари вакиллари ташриф буюришди. Улар ватанимиз сарҳадларини кўз қорачиқдек асраш учун кечаю кундуз чегараларимизда хушёр турган аскар ва зобитлар ҳаёти билан танишгани келишган эди. Катта дошқозонда ош дамланди, аскарларга тарқатилди. Кенг дастурда концерт намойиш этилиб, қисм жангчиларига қимматбаҳо совға-саломлар улашилди.

Армиямизнинг таркиби ва бошқарув жиҳатидан янги негизда ташкил этилганлиги, муҳим ҳарбий хизматнинг 12 ой қилиб белгилангани, янги сафарбарлик, чақирув, резерв хизматининг жорий қилинганлиги, ҳарбий қисмларнинг моддий базаси ва таъминоти яхшиланганлиги мамлакатимиз мудофаа қудратини янада юксалтиришга қаратилган, - дейди Қашқадарё вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошмаси, полковник Мўмин Мамадалиев. - Бугунги кунда юртимизнинг алп ўғлонлари ватанимиз сарҳадларини серғакли билан қўриқлаб турибдилар.

Армия ватанпарварлик, мардлик мактабига айланган. Жангвара тайёргарликнинг интеллектуал даражасини юксалтириш, қўшинларимизнинг тезкор ва илҳам, замонавий қурол-аслаҳа ва техника воситалари билан таъминланганлиги хизматини ўташга ҳозирлик қўраётган ёшлар олдига юксак талаблар қўйилган. Вилоят ҳокимлигининг амалий ёрдами билан Қарши шаҳридаги сержантлар мактаби

СЕН БИЛАН ФАХРЛАНАМАН, ЎҒЛИМ!



қайта таъмирланиб, моддий техника базаси мустаҳкамланди.

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш сифатини яхшилашга алоҳида эътибор берилляпти. Чақирик комиссиялари ишда ошқоралик кучайтирилиб, улар фаолияти устидан жамоатчилик назорати таъминланган. Чақирик комиссиялари таркибига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» ва «Махалла» жамғармалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа жамоат

Ҳарбий хизмат - муқаддас бурч

ташкilotларининг вакиллари тга қадар 1200 дан ортққ фуқаро ана шу хизмат турида киритилган.

қинлиги ва озодлигини ҳимоялаш ўзини эр йигит деб билган ҳар бир киши учун ор-номус ва мардлик рамзидир. Яққабғ туманининг Маданит қишлоғида чегара қўшинлари сафига чақирилган Баҳодир Хусанов сарҳадларимизни қўриқлашдаги хушёрлиги учун Президентимиз томонидан «Жасорат» медали билан мукофотланди. Чегара қўшинлари ҳарбий бўлиминини зобити, катта лейтенант Ўткир Очилов ўз вазифасига ҳамisha масъулият билан ёндошиб, ҳарбий хизматни сийдиқидилдан адо этмоқда.

Қарши шаҳридаги зобитлар уйда «Қувноқ билимдонлар баҳси - 2004» кўрик-танлови ўтказилди. Унда «Жануб қалқонлари», «Олғирлар», «Нуристон жентельменлари», «Алоқачилар» жамоалари 5 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Танловда маҳорат ва билимдонликларини намойиш этган «Алоқачилар» жамоаси энг кўп балл тўплаб, голибликни қўлга киритди. «Наврў» хайри жамғармаси, туман, шаҳар ҳокимликлари хомийлигида бир гуруҳ ота-оналар республикамизнинг Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё вилоятларидаги ҳарбий қисмларда бўлиб, аскар ва зобитларнинг ҳаёти билан танишдилар.

Оталар жасорати - фарзандлар мероси. Деҳқонлар тод туманида тadbиркор Мўмин Бердиев ташаббуси билан бир пилва чой устида уруш ва меҳнат фахрлари, байналминал жангчилар иштирокида ўтказилган авлод учрашуви ёшларда катта таассурот қолдирди.

Хаммамиз учун муқаддас саждагоҳ ҳисобланган она Ватанини ардоқлаш, унинг эр-

ЖАВОБДАН КЎРА САВОЛ КЎП

Ўзбек қурашида «чала», «ёнбош» ва «халол» деган терминлар мавжуд бўлиб, томонларнинг ҳатти-ҳаракати шу тариха баҳоланади. «Халол» - бу соф галаба, лекин «чала» ва «ёнбош» баҳоси билан ҳам сарфар қилиш мумкин.

Икки кун мобайнида Осиё чемпионлар лигаси таснифи кирувчи «А» ва «Д» гуруҳи баҳсларининг Фарғона ва Тошкентдаги учрашувларини кўриб, беҳиётёр дунё эътироф этган курашчимизнинг юқорида биз қайд этиб ўтганимиз терминлар ёдга тушди. Футболда «чала» ва «ёнбош» усули билан мақсадга эришиш жуда қийин эканлигига яна бир бор ишондик.

Ҳафта кутишга тўғри келарди. «Пахтакор» жамоаси яна бир араб клуби - «Қатар СК» устидан 1:0 ҳисобида устун келиб, ниҳоят галаба наъфасини суришга муваффақ бўлди. Биринчи бўлимда 25 метрлар чамаси узокликдан ҳимоячи Алексей Николаев томонидан берилган кучли зарба мўлжалга аниқ борди. Яна кўплаб қулай вазициялар юзага келтирилганига қарамай, улардан умумли фойдаланиш насоб этилмади. Бунда дарвозабоннинг маҳоратидан кўра футболчиларимизнинг нўноқлиги ланд берди.

Яна бир гап. Биринчи бўлимда қайсибир маънода Англия футболини намойиш этишга ҳаракат қилган пахтакорчилар негадир иккинчи бўлимда аввалги шиддатларини йқотиб қўйдилар. Оқибатда ўйин тенглашиб, ҳатто бу ҳисобда ҳам ўз аксини топшишга оз қолди. Билмадик, агар жараҳати туфайли захирода қолган аргентиналик жаҳон чемпиони Каниджа майдонга тушганида, нима бўларди.

Бир нарса аниқ: чемпионлар лигасида кучсиз команданинги ўзи йўқ. Айнақса, молиявий жиҳатдан бакуват араб клублари кучли рақобат кўрсатиши хозирданок аниқ бўлиб қолмоқда. Афсуски, бундай фикрни бизнинг жамоаларга нисбатан қўллашга ҳали эрта. «Пахтакор» барча кучли ўйинчиларини ййиб олди, деган гапсулар ҳам унчалик асосли эмаслигига тобора ишончимиз ортмоқда. Буни жараҳатидан сунг тўла спорт формасини тиклай олмагани ҳолда мажбуран майдонга туширилётган Э.Тоҳиев мисолида ҳам кўриш мумкин. Мадомики, бир неча фронтда - ҳам ички чемпионат, ҳам халқаро турнирларда катнашиш зарур экан, таркиб ҳам шунга муносиб бўлмоғи даркор.

Бу фикр «Нефчи»га ҳам, «Пахтакор»га ҳам баб-баравар тегишли.

З.РИХСИЕВ

Юртбошимиз Андижон вилоятига ташриф буюрганда бошқа соҳалар қатори халқ таълим тизимидagi янгиликларга ҳам эътиборни қаратди. Тизимда ўзини кўрсатган кишилар қаторида султано-боллик ўқитувчи Мухаммадали Турсуновнинг номи тилга олинди.

Эл-юрт назарига тушган устоз ҳар бир болани фарзандлари қаторида кўради. Жажжиларнинг унга ота, отажон деб мурожаат қилишлари бонси шундан.

Исомиддин Зайнобиддинов Султано-бол қишлоғига яқинлашганда ҳайдовчига машинани 35-ўрта умумтаълим мактаби томонига буришни буюрди.

Мактаб ҳовлиси болаларнинг шўҳрандон қийқиринига тўланган. Футбол ўйинида болалар тўп сурмоқда. Қўчалар кекса тол остида чугуллашиб нималарнидир сўхбатлашадилар. Атрофини болалар ўраб олган киши мудирнинг диққатини тортиди. У қўлда тоқ қайчи билан дарактарга шакл бермоқда. Муид унинг эғизда уринган пешбандига, сертомир қўларига назар ташлаб, меҳнат ташлини ўқитувчиси бўлса керак, деган ҳаёлга борди. Ўқитувчи қўлидаги тоқ қайчи билан рўпарада ястаниб ётган Султано-бол адирларига ишора қилди. Атрофидagi болалар чугуллашиб ниш ураётган гижёлардан энди ранг олаётган яшил қиларга назар ташладилар.

Муидр яқинроқ бориб болангич синф ўқитувчиси Мухаммадали Турсуновни таниди. Чаргончи меҳнат билан, болалар билан ёзидиган муаллимнинг ҳаракатларини кузатиб хайратга тушди.

Болаларсини туролмайман. Уларга ўрганиб қолганман, - деди Мухаммадали ака туман халқ таълим бўлими мудирининг кечинмаларини ўқиди.

Шу кун муидр унинг дарсларини кузатиб, қониқиб ҳосил қилди, айнақса, меҳнат дарси маъқул туш-

ди. Мухаммадали ака доскага ракета, самолёт, кема, учар шарларнинг рангли тасвирларини олиб, болаларга «ким нима» ёқтира, ясайверсин» деди. Гап орасида ўқитувчи фан-техника асри ҳақида сўзлаб, муҳожамани болалар-

МУАЛЛИМ

нинг ўзига ташлади. Мақсад, ўқувчиларни мустақил фикрлашга, тафаккурини тоблашга ундаш эди. Болалар самоза биринчи парвоз қилган «Восход» киносинемаси, ҳатто биринчи ўзбек космонавти Шариповнинг номини ҳам тилга олишди. Кейин қайчилар ишга тушди.

Муидр машғулот пайтида домланинг тез-тез саотига қараётганини сездди. Қўнғирқок янгради. Мухаммадали ака ўқитувчилар хонасига эмас, маҳаллага - Хасанбой Ёлмоғтовнинг ўйга шошайтганини кейин эшитиб қолди. Негаки, ушбу хонадоннинг ўли Шаробиддин ботобаниб дарсга келмаганидан домла хавотирга тушганди.

Шаробиддиннинг томондаги терас хонига ин қурган чумқунинг боласини олиш учун даракта чиққанини, ййилиб қўлини шикастлангандан устун оғох бўлганди. Боланинги ўрнида иситма аралаш ётганини кўрдию, қўшини кўнға чикиб телефон орқали қишлоқ амбулаторийоси билан боғланди. Шифокорларга аҳолини айтди. Кўп ўтмай «Тез ёрдам» машинаси етиб келиб, бо-

Замондошларимиз

қулаб тиббий ёрдам кўрсатилди. Орада ўқувчининг ўйига қатнаб, болага қўшимча дарс ўтишга ҳам улгурди. Шаробиддин мактабга қайтса-да, шикастланган қўли ёзишга ярамди. Мухаммадали ака бунинг ҳам имконини тоғди. Боланинги қадрига махсус таштакан ўрнатиб, унга ружани боғлаб ёзишни ўргатди.

М.Турсунов янги педагогик технологиялар, асосида, ноънанавий усул-

лар асосида дарс ўтишини устаси. Расм дарсларини далада-табиат қўйнида ўтишга одатланган. Мавзу эркин танланган. Биров капаланки, биров тилла кўнғиз, биров майсангнинг барг ёзишини чишишга қиришди. Домла томошабин бўлиб турмайди. Табиат, экологик муҳит, Ўзбекистоннинг ҳайвонот дунёси ҳақида бошлангич маълумот беришни унутмайди.

Домланинги ҳар бир дарси болаларни мустақил фикрлашга қорлайди. Болаларнинг нигоҳи ўқитувчининг қўлидаги кўргазмага қадалган. Уларда «от», «лола», «машина», «анор» сўзлари ёзилган бўлиб, ҳар бир сўзининг ортида қорабайр от, қил-қизил лола, йўлда фазиллаб бораётган машина, ёқутранг анор тасвири туширилган. Ўқитувчи кўргазма ичиди ҳар сўз ишорингиллигини, уни толиш ҳақида муаммоли савол ташлайди. Хонага сунқунат чўқиди. Ҳамма ўйлашга тушиб кетди. Болалардан бири, мен топдим, дед қўл кўтарди. Кейин, қувноқ билан «олма» деб қичқиради. Дарҳа-

қикат, юқоридаги сўз бирикмаларини бош харфларини териб чиққанда, «олма» сўзи ҳосил бўлади. Мухаммадали ака ҳақида мақола ёзаётганимни эшитиб Исомиддин Зайнобиддинов ўзи гувоҳ бўлган воқеани гапирди берди. Мактабини айтаётган юрғанда, устознинг дарс бераётган синф эшиги ёнида муҳандис Фарходжон Тўйчиевни учратиб қолган. У келаси йили 7 ёшга тўладиган ўғли Хондамирни етаклаб олганди. Унинг қаторида яна бошқа ота-оналар ҳам навбатда турарди. Фарходжоннинг ўзи ҳам домланинги собиқ ўқувчиларидан саналади. У Мухаммадон акага ярим ҳазил, ярим чин қилиб Хондамирни ўқитиш учун «буюртма бергани» келганини билдиради.

Қишлоқда ҳеч ким домланинги олдидан саломсиз ўтмайди. Кўпчилик устознинг меҳр бўлигидан баҳраманд. Қарийб 40 йилдан бундан у бошлангич синфларда дарс бериб келади. Шогирдларининг сон-санмоғи йўқ. Муаллимнинг илғий-педагогик фаолияти нуфузли анжуманларда эътироф этилган. 1993 йили республика педагоглар ййигинида болалар ақлий қобилиятини ўстириш мавзусидаги чиқушидан кейин М.Турсунов маориф қонжюари сифатида танилди. 1995 йили лотин алифбесига ўтиш муносабати билан у ёган «Умум» дарслиги ёзлон қилинди. «Алифбе» китоби нашрдан чиққан, қўрғонтепаллик маорифчи М.Турсунов мисолида андижонликларнинг халқ таълимини ислоҳ қилишдаги ибратли ишлари республикага ёйилди.

Р.СОБИРЖОНОВ

ИМТИЁЗЛИ

ЙЎЛЛАМАЛАР

«Кристалл», «Соқол» деб номланган соғломлаштириш оромгоҳлари самолётсозларга намуналий тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Зеро, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфидаги бу шифобахш масканлар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши туфайли кўплаб қулайликлар яратилди.

Жумладан, эндиликда бу ерда Тошкент Давлат авиация институт профессор-ўқитувчилари, талабалари ва хизматчиларининг ҳам даволанишлари учун шароит юзага келди.

Кўпчилик ходимларимизнинг меҳнат ташти қуллари ҳам соғломлаштириш оромгоҳларида ўтмоқда, - дейди институт касабашуоша кўмитаси раиси Рустам Юсупов. - Улар имтиёзли йўлланмалар билан саломатликларини тиклашяпти.

Ҳам дам олиш, ҳам шифоланиш учун мўлжалланган оромгоҳларда бу йил кўплаб ўқитувчилар ёз гаштини сурадилар. Бундан ташқари, «Турон», «Чотқол» санаторийларига ҳам имтиёзли йўлланмалар ажратилади. Бунинг учун икки томонлама келишувга эришилди.

А.АЛИЕВ

«ШОҲРУХ» ЁШЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Икки йил илгари Зангиота туманида иш бошлаган «Шоҳрух» шохмат-шашка клуби ёшларнинг севимли масканига айланиб улгурди. Бугун бу ерда юзлаб ёшлар шохмат-шашка сирларини ўрганапти.

Клубимиз нафақат ёшлар, кексалар билан ҳам гавжум бўлади, - дейди клуб раҳбари Карим Отаҳужаев. - Ҳақиқий спорт иштибои Тўланбой ота Мирзаев - энг фаол тарғиботчиларимиздан. Чойхонада гап сотгандан, куча чангитиб юрган далада кўра, ақл гимнастикаси билан шугулланган маъқул эмасми, дейди ва ҳар гап киминдир клубимизга эргаштириб келади. Бундай инсонларнинг сафи кенгайса, биз хурсанд бўламиз.

Клубда болалар нафақат шохмат-шашка бў қадимий спорт тури тарихидан, жаҳон чемпионлари, машҳур гроссмейстрлар ҳаёти ва фаолиятидан ҳам сабоқ берилади.

(ЎЗА)

«КИНГ-КОНГ» МАЙМУНИ ҚАЕРДА?

уни Жиззах шаҳар коммунал хўжалиги бошқармасидагилар кўрмадимикан?



Жиззах шаҳри сўнги йилларда янада ошди, чирой очиб бормоқда. Лекин... айрим ҳолларда катта маблаглар эвазига бунёд бўлган маданий иншоотлар каровсизлик ва эътиборсизлик



ихтиёр ўзига тортиди: - Дада, анави лайлак нега бунча? Узун бўйиндан сими чикиб турибдимми? - Э, ўғлим, каровсизлик оқибати бу. Учта созадан хайкалчалар куй чалиб туришган

ди. Улардан бири қайқа гойиб бўлганини ҳеч ким билмайди. Урни бору, ўзи йўқ. Манависини бўлса сандириб кетишибди... Хуллас, ота-бола «Қасоблик» маҳалласи ҳудудидаги болалар истироҳат боғини анча вақт айланшди. Лекин боғ харитасида кўрсатилган болалар хайратини ошириб, улар диққатини жалб қилиб келаятган улкан «Кинг-конг» маймумун-қўғирчоқни жойидан топа олишмади.

Болалар футбол, волейбол ўйнайдиган майдончалар каровсизликдан ачинарли ҳолга келиб қолди. Айташларича, 1998 йилда фойдаланишга топширилган маъмур болалар истироҳат боғи ўтган

йилнинг ноябригача вилот маданият ишлари бошқармаси тасарруфида бўлган. Ҳозирда эса Жиззах шаҳар коммунал хўжалиги бошқармаси ихтиёрида. Афсуски, 12 гектарлик боғ мулкига хўжасизларча муносабат ва эъти-

борсизлик ҳамон давом этиб келаяпти. **Суратда: болалар истироҳат боғининг ташвиш қўринишидан бир наъша.**

А.АЗИМОВ, «Ишонч» муҳбири

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касабашуошмалари Федерацияси

Тахир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимқўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибати 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.00

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсатиши: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.